

# ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST  
SPECIAL ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2023

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Ёркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Қариш давлат университети

**Махкамova Надира Рахмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмудалиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алнева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Санпова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети


**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Одилов Абдор Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети

|                                                                                                                                                              |    |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| <b>1. Валишер Элмуродович Абиров</b><br>ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ: ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ<br>ЁНДАШУВЛАР ВА МУНОЗАРА.....                                             | 5  |
| <b>2. Жалолиддин Тухташевич Аннаев</b><br>ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРМИТА-ТЕРМИЗДА БУДДАВИЙЛИК.....                                                                | 13 |
| <b>3. Феруза Парходовна Атамуратова</b><br>ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИДА ТАРМИТА-ТЕРМИЗ.....                                                                | 21 |
| <b>4. Мунаввар Абдурашид қизи Атамирзаева</b><br>МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ<br>МАСАЛАЛАРИНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ.....               | 28 |
| <b>5. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова</b><br>ЎЗБЕКИСТОН ШИФОБАХШ ЖОЙЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА ИЛМИЙ<br>ЭКСПЕДИЦИЯЛАР ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ.... | 35 |
| <b>6. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова</b><br>ТУРКИСТОН ТАБИЙ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ<br>ИЛМИЙ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....                                          | 40 |
| <b>7. Дилафруз Аҳмедова Хусан қизи</b><br>МАКТУБЛАР МАНБА СИФАТИДА.....                                                                                      | 46 |
| <b>8. Oхunjon Axmat o'g'li Boboqulov</b><br>MUSTAQIL KONGO DAVLATINING SSSR BILAN DIPLOMATIK ALOQALARI<br>(davriy matbuot gazetalari tahlili asosida).....   | 53 |
| <b>9. Феруза Хаятовна Бобожонова</b><br>БУХОРОДА МАКТАБ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРИХИ<br>(XIX АСР ОХИРИ-XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ).....                                 | 58 |
| <b>10. Omon Olimjonovich Gadayev</b><br>MUSTAQILLIK YILLARIDA SAMARQAND VILOYATINING DEMOGRAFIK TARIXI.....                                                  | 65 |
| <b>11. Дилорам Зияева</b><br>МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЎРТА АСРЛАРДА ЮЗ БЕРГАН УЙҒОНИШ.<br>ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИНГ ЖАҲОН ТАМАДДУНИГА<br>ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....                | 71 |
| <b>12. Farxod Sobirovich Ziyayev</b><br>TURKISTONDA MUSTABID SOVET TUZUMIGA QARSHI<br>QUROLI HARAKAT.....                                                    | 77 |
| <b>13. Ubaydulla Mamat o'g'li Ismoilov</b><br>SUYURLITEPA YODGORLIGI O'RNIDAGI SHAHARNING TARIXIY<br>NOMI XUSUSIDA MULOHAZALAR.....                          | 84 |

|                                                                                                                                                                                                               |     |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>14. Baxtiyor Safarovich Nazirov</b><br>JADID VAKILLARINING AHOLINI SOG‘LOMLASHTIRISH BORASIDAGI<br>QARASHLARI.....                                                                                         | 109 |
| <b>15. Рустам Абдуваид ўгли Неъматов</b><br>ТУРК ХОҚОНЛИГИ ДАВРИДА ХОРАЗМ ВОҲАСИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ<br>ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....                                                                                | 114 |
| <b>16. Дилорам Сангирова</b><br>ЎРТА АСР ДАВЛАТЧИЛИК РАМЗЛАРИ СЎЗ ВА ТАСВИРДА.....                                                                                                                            | 120 |
| <b>17. Lyudmila Mixaylovna Sokolova</b><br>ANDIJON, NAMANGAN, FARG‘ONA VILOYATLARIDAGI HUNARMANDLAR<br>USTOZIGA BAG‘ISHLANISH MAROSIMINING IBTIDOSI HAQIDA.....                                               | 130 |
| <b>18. Фазилат Нормуродовна Тургунова</b><br>СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ ФАОЛИЯТИНИНГ<br>РИВОЖЛАНИШИ.....                                                                                           | 142 |
| <b>19. Баходир Босимович Тўйчибоев</b><br>ҚОЯТОШ ЁДГОРЛИКЛАРНИ САҚЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ MASALALARI<br>ХУСУСИДА.....                                                                                               | 147 |
| <b>20. Раъно Нортўхтаевна Тўхтаева</b><br>ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН Кейинги ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ...154                                                                                                    | 154 |
| <b>21. Dilshod Inomjon o‘g‘li To‘xtasinov</b><br>NORIN VA QORADARYO ORALIG‘I HUDUDLARINING MANBASHUNOSLIK<br>TAHLILI VA UCHTERA-2 YODGORLIGINING ARXEOLOGIK JIHATDAN<br>O‘RGANILISHI.....                     | 159 |
| <b>22. Mansur Xayrullayevich Fayzullayev</b><br>XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ-<br>ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИГА ДОИР MASALALARНИ ЎРГАНИЛИШИ<br>ТАРИХШУНОСЛИГИ.....                              | 170 |
| <b>23. Rashid Mamatkulovich Xolmurodov</b><br>TARIXIY O‘LKASHUNOSLIK FANINI O‘RGANISHDA SHAROF RASHIDOV MUZEYI<br>MANBALARIDAN FOYDALANISH.....                                                               | 177 |
| <b>24. Tuyg‘un Rajabovich Ernazarov</b><br>TURKISTON GENERAL GUBERNATORLIGIDA BOJXONA XIZMATINING<br>TASHKIL ETILISHI VA UNING FAOLIYATIDAN LAVHALAR<br>(Rossiya imperiyasi va Xitoy aloqalari misolida)..... | 182 |
| <b>25. Бахтиёр Эргашевич Юлдашев, Светлана Владимировна Темирова</b><br>ЗАРДУШТИЙЛИКНИНГ МУҚАДДАС КИТОБИ “АВЕСТО”ДА<br>СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАР.....                                                           | 187 |
| <b>26. Алишер Яркулов</b><br>АРХЕОЛОГИЯ МЕРОСИ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ<br>ТУРЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ ХУСУСИДА.....                                                                                                | 195 |
| <b>27. Abdurahmonova Nodiraxon Xusnutdinovna</b><br>HUQUQIY MADANIYAT VA DEMOKRATIYA: IJTIMOIIY FALSAFIY<br>YONDASHUVLAR VA KONSEPSIYALAR.....                                                                | 202 |



**Рашидахон Муқимовна Аҳмедова,**  
Қўқон давлат педагогика институти  
Тарих кафедраси катта ўқитувчиси, PhD

## ТУРКИСТОН ТАБИЙ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМий ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ

**For citation:** Rashidakhan M.Akhmedova, SCIENTIFIC IMPLEMENTATION OF THE USE OF NATURAL RESOURCES OF TURKESTAN. Look to the past. 2023, Special issue 1, pp.40-45

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8072199>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Туркистон ўлкасида подшо ҳукумати томонидан табиий ресурсларга бой жойларни ўрганилиши, минерал манбаларни излаб топилиши, уларнинг инсон саломатлиги учун аҳамияти ва ушбу манбаларда дастлабки ташкил этилган санитар-гигиена станцияларини ва кейинчалик курортларни ташкил этилиши ҳамда уларнинг хусусиятлари тарихий адабиётлар ва архив манбалар орқали таҳлил қилинади. Шу билан бирга мақолада совет ҳкумати ҳокимият тепасига келган даврдан бошлаб, ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари ва уларнинг натижалари очиб берилган.

**Калит сўзлар:** Ҳазрат Аюб, Кушелевский, Туркестанские ведомости, Чимён, Тузкон, Афрамovich, Педов, Жалолобод-Аюб, Қора-Туба, Арасан булоқ, Болғали, Қайнарбулоқ, Ахсикент, Оқ Терескен, Слоним.

**Рашидахон Муқимовна Аҳмедова,**  
Старший преподаватель кафедры истории  
Кокандского государственного педагогического института,  
кандидат исторических наук

## НАУЧНАЯ РЕАЛИЗАЦИЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПРИРОДНЫХ РЕСУРСОВ ТУРКЕСТАНА

### АННОТАЦИЯ

В данной статье изучены рассмотрен вопрос изучения царским правительством в Туркестане места, богатые природными ресурсами, поиски полезных ископаемых, их значение для здоровья человека, создание в этих ресурсах санитарно-гигиенических станций, а позднее курортов, а также их характеристики, анализируются на основе исторической литературы и архивных источников.

В то же время в статье раскрываются научно-исследовательские работы и их результаты, проведенные в целях развития данной области с момента прихода к власти советской власти.

**Ключевые слова:** Хазрат Аюб, Кушелевский, Туркестанские ведомости, Чимян, Тузкон, Абрамович, Педов, Джелалабад-Аюб, Кара-Туба, Арасан булак, Болгали, Кайнарбулок, Ахсикент, Ак Терескен, Слоним

**Rashidakhon M.Akhmedova,**  
Senior Lecturer, Department of History,  
Kokand State Pedagogical Institute,  
Candidate of Historical Sciences

## SCIENTIFIC IMPLEMENTATION OF THE USE OF NATURAL RESOURCES OF TURKESTAN

### ABSTRACT

In this article, the tsarist government in Turkestan studied places rich in natural resources, the search for minerals, their importance for human health, the creation of sanitary and hygienic stations in these resources, and later resorts, as well as their characteristics, are analyzed on the basis of historical literature and archival sources.

At the same time, the article reveals research work and their results, carried out in order to develop this area since the coming to power of Soviet power.

**Index Terms:** Khazrat Ayub, Kushelevsky, Turkestanskiye Vedomosti, Chimyan, Tuzkon, Aframovich, Pedov, Jalalabad-Ayub, Kara-Tuba, Arasan Bulak, Bolgali, Kaynarbulok, Akhsikent, Ak Teresken, Slonim

### 1.Долзарблиги:

Туркистон ўлкасида қадимдан маҳаллий аҳоли табиий ресурслардан ўз саломатликларини тиклаш мақсадида фойдаланиб келган. Ўрта Осиёни подшо ҳукумати томонидан забт этилиши ушбу табиий ресурслар жойлашган ҳудудларни давлат тасарруфига ўтказилиши борасида ишлар ташкил этилади, натижада дастлабки санитар-гигиена станциялари вужудга келади.

Советлар ҳокимияти даврига келиб эса, ушбу ҳудудлардаги масканлар кенгайтирилади ҳамда янгидан янги табиий омиллар жойлашган ҳудудлар ўзлаштирилади. Подшо ҳукумати ва совет ҳокимияти томонидан ушбу соҳаларни йўлга қўйиш ҳамда ривожлантиришдаги илмий фаолият, уларнинг натижалари, мавжуд муаммоларни аниқлашдаги манбалар асосида илмий таҳлили Ўзбекистонда санаторий-курортлар фаолияти тарихини ўрганилишида долзарб аҳамият касб этади.

### 2. Методлар:

Мақола умумэтироф этилган тарихий-таққослаш, тизимлаштириш, таҳлилий ҳулосалар каби усуллар асосида баён этилган бўлиб, унда Туркистонда подшо ҳукумати ҳамда Совет ҳокимияти томонидан табиий омилларни излашдаги илмий фаолияти ва уларнинг натижалари ўрганилди.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Марказий Осиё халқлари қадимги даврдан қўл балчиғи ва рапа (шўр сув), минерал сув ва қуёш, шунингдек бошқа табиий воситалар ёрдамида даволаниб келишган. Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” китобида батафсил тарзда ўлка халқлари “курортлари” даволанишининг асосини ташкил этувчи табиий воситалар ёрдамида даволаниш усуллари таърифлаб берилган. Шак-шубҳасиз, бу даврда ушбу тушунча ҳозирги замон нуқтаи назаридан қолмаган, бироқ аҳоли орасида табиий воситалар билан даволаниш кенг тарқалган.

XIX асрнинг 70-йилларида шифокорлар даволанишда қўлланиладиган минерал сувларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратишни бошлашган ҳамда ўрганилган минерал манбалар ҳақида маълумотлар қолдиришган. Мисол учун, шифокор Кушелевский Жалолободда машҳур Ҳазрат Аюб суви ҳақида, Педовдаги олтингугурт ишқорли булоқлар ва Ахсикент шўр қўллари ҳақида маълумотлар бериб ўтган. Ўша давр газеталаридан бири “Туркестанские ведомости” саҳифаларида шифокор Шиманский “Чимён” санитар станцияси

ва П.П.Сакиричининг “Ҳазрат Аюб” минерал булоғи ҳақидаги мақоласи нашр қилинган. Шифокор Бунин бу жойларни илк бор 1878 йилда кўриб кетган, бу булоқда чўмилиш беморларга шифобахш таъсири маълум бўлганидан сўнг, у ерга ташриф буюрган.

Ахсикент шўр кўли Фарғона вилояти Наманган уезди Қамишкўрғон қишлоғида жойлашган. Кўл 1-2 вершок туз билан қопланган, куз ойларида у янада кўпайган ва 5 вершокка етган, кўл майдони эса 310 гектардан ортиғини ташкил этган. Архив манбаларида Ахсикент кўли ҳақида батафсил маълумот берилган. Хусусан, маҳаллий аҳоли орасида кўл машхур бўлган ва турли касалликлардан фориғ қилувчи ҳамда даволовчи ҳисобланган. Кўл қирғоғида туз қатламидан нарида беморлар учун ёғоч уйчалар қурилган бўлиб, кўлнинг ўзида эса чўмилиш учун икки бўлимга ажратилган ҳамда аёллар ва эркаклар учун алоҳида ванналар қўйилган [1, 25].

1912 -1914 йилларда у ерда тиббий ёрдам кўрсатиш учун битта шифокор ишлаган. Беморларга қулайлик яратиш учун кўл олдида ошхона бўлган, турли таомларни белгиланган нархда тарқатган ва беморларга ванна қабул қилишда ёрдам берувчи хизматкорлар ҳам бўлган. 1915 йилнинг ноябрь ойида қишлоқда яшовчи бир шахс бу кўлни ижарага беришларини сўраб мурожат қилган, бироқ рад жавобини олган, чунки бу ерда курорт қуриш режаси мавжудлиги назарда тутилган [2, 4].

Бу даврда мутахассислар беморларни даволашда даромад олиб келиши мумкин бўлган бошқа кўлларга ҳам эътибор қаратишни бошлайди. Шунингдек, туз ва бошқа минералларни қайта ишлаб чиқаришни ҳам назарга олишади. Мисол учун, тоғ муҳандиси Г.Леонов туз-балчиқли Тузкон кўлини батафсил тасвирлаб беради ҳамда Жиззах уезди Кўктуба волостида жойлашган бу кўлдан даволанишда фойдаланишни тавсия қилади. Қайд этилганидек, бу кўл балчиғидан Самарқанд ва бошқа жойлардан келган кўпчилик кишилар фойдаланган. Кўллар, шунингдек, ўлка тоғ-кон маъмуриятининг кўшимча даромад манбаи ҳам ҳисобланиб, фойдаланиш учун бу ерлар ҳар йили 622 сўм ҳисобида ижарага берилган. Маҳаллий аҳоли 1 та ваннани 1,5 соатдан 3 соатгача, баъзи ҳолларда 2 та ваннани ижарага олишган. Сув остидаги ванналардан улар қуйидагича фойдаланишган: балчиқни қаттиқ қум-лойли жойигача кавлаб чуқурлик тайёрлашган, уни тузли эритма билан тўлдиришган. Бемор унга ётиб олган ва уни томоғигача балчиқ билан кўмишган. Бош тепароқ қилиб қўйилган [2, 25].

Тузкон кўли ҳақида бошқа маълумотлар ҳам учраб туради [3,166–167]. Жумладан, Тузкон кўли шифокор К.М. Афрамович томонидан батафсил ёритиб берилган. У Тузкон кўли балчиғи кимёвий таркибини Россия империясидаги шу турдаги даволаш масканлари билан қиёслаган. Бундай таққослаш натижасида шифокор Тузкон кўли балчиғи ўзининг таркиби жиҳатидан Қримдаги Сакс ва Хожибек курортларига яқин, деган хулосага келган. Шунингдек, баъзи касалликларда Тузкон кўли концентратли тузли ваннасининг терапевтик самараси ҳам юқори бўлган. Кўл энг кучли ва самарали сувли кўллар қаторига қўшилиб, Қарқара (натрий хлор 24%) ва Устьянцевский (27%) кўлидан кейинги ўринни эгаллаган ҳамда Тузкон кўлида ош тузи 16 фоизга тенг бўлган [4, 35]. Мақола муаллифи у ерда уч кун бўлиб, ушбу кўлнинг саломатлик учун фойдали бўлишига қарамай бу ерга одамлар нима сабабдан кам келишларини аниқлаб беради ҳамда кўлнинг саҳрода жойлашганлиги, ичимлик суви, яшаш жойи, томорқа, хайдалган ернинг йўқлигини сабаб сифатида кўрсатади. Бундан ташқари, кўл аҳоли пунктларидан узоқда бўлганлиги ҳам унга борувчи кишиларга ноқулайлик туғдирган. Масалан, Жиззах шаҳри 60 км ва Ширкўрғон қишлоғи 15-16 км узоқда жойлашган, ичимлик суви олинган қудуқ суви эса 12-13 км узоқликда жойлашган. Шунга қарамасдан, мазкур кўлга маҳаллий ва русийзабон аҳоли келиб туришган.

“Туркестанские ведомости” газетаси саҳифаларида Тузкон кўлига келадиган аҳоли сонини кўпайтириш мақсадида тадбиркорлар дўкон, новвойхона, қассобхона очса, шу билан бирга ижарага ўтовлар курса яхши бўлар эди, деган таклиф билан чиқади. Шу вақтгача бундай тадбиркор топилмаганлиги сабабли кўлнинг даволаш хусусиятларидан фойдаланиш йўлга қўйилмаганлиги танқид қилинади. Мақола муаллифи ўз танқидини ўлка тоғ-кон маъмуриятига йўллаган ва бу ишда ҳеч қандай олға қадам ташламаганликда тоғ-кон

маъмуриятини айблаган [5, 48]. 1908 йилга келиб “Ташкентский курьер” газетаси Тузкон кўлида курорт очилгани ҳақида хабар қилади.

XIX аср охирида Тошкент вилоятида ҳам минерал булоқлар мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар мутахассислар томонидан қайд этилади. Жумладан, 1896 йил 28 июлда “Туркестанские ведомости” газетасида Тошкентдан 20-25 км. узоқликда И.И.Краузининг бири-биридан узоқ бўлмаган масофада минерал булоқлар ўчоқларини очганлиги ҳақида хабар қилинади. Топилган булоқларнинг бири ўзидаги карбонат ангидрид миқдори билан эътиборга сазовор бўлиб, унинг суви жуда ёқимли экани билан Ессентуки сувларини эслатишини таъкидлайди. Муаллиф тадқиқот натижалари беморларни узоққа бормай даволанишига имконият беришига умид қилган.

Булоқ суви Тошкент кимё лабораториясида Н.Б.Тейх [6,28-32] томонидан таҳлил қилиниб, 1897 йилда “Туркестанские ведомости” газетаси саҳифаларида Туркистон ўлкасининг иссиқ ва совуқ сувли минералларга бой тузли булоқлар ҳақидаги маълумотлар берилади. Туркистоннинг барча вилоятларида минералга бой, шўр, шифобахш балчиқли булоқлар кўп бўлиб, улар асосан аҳоли пунктларидан узоқда бўлиб, тоғ йўллари орқали бориладиган масканларда жойлашган эди. Н.Б.Тейх томонидан Арасон-Булоқ, Жалолобод Аюб, Об шифо, Гулча каби булоқлар ўрганилган ва уларнинг физик-кимёвий тадқиқотлар натижалари келтирилган [7,128-129].

Касалликларни даволовчи дастлабки европача турдаги курорт Ўрта Осиёда “Янги” Марғилон ва Андижонда шифокор бўлиб ишлаган И.Бунин томонидан Кўкон уездида жойлашган Педовда 1881 йили ташкил қилинган. Педовдаги сув манбаларининг ҳарорати 20-20.5 градусни ташкил этган. Бу сув манбасини биринчи бўлиб химик Тейх 1880 йилда Тошкент кимё лабораториясида таҳлил этган [8, 30]. Бу ерда 8 та уй, ванна хона, ошхона ва хўжалик бинолари қурилган ҳамда боғ ташкил этилган. У ерга келувчи беморлар сони кўп бўлган ва даволаш яхши натижалар берган. Мазкур курорт уч йил фаолият юритган ва 1883 йилда Бунин вафотидан кейин курорт ўз фаолиятини тўхтатган [8, 32].

Мазкур курортни ташкил этиш учун И.Бунин давлатдан озроқ субсидия олади, аммо асосий маблағни ўз ҳисобидан ишлатади. Педовда олтингугурт, ишқорли булоқда 8 та ванна ҳамда 28 кичик хоналардан иборат уч каркасли ёғоч уй қурдирди. Касалхона ҳудудида 12 мингга яқин турли дарахтлар экилди. Курорт 1883 йил И.Буниннинг ўлимига қадар фаолият юритди. 1885 йил бу ерда Жалолобод-Аюб ҳарбий-санитар станцияси барпо қилинди.

Ушбу жараёнда шифокор И.Д.Успенскийнинг ҳам сезиларни ролини айтиб ўтиш лозим. У 1892 йили Қора-Туба санитар-гигиеник станциясини ташкил қилган ва уни бир неча йиллар бошқарган. Унинг фикрича, бу станция иқлимий даволаш самарадорлиги бўйича Кисловодск станциясидан кейин иккинчи ўринда туради ва Россия империяси бошқа станцияларидан юқори турган. Станция куйи лавозимдаги ҳарбийлар ва амалдорларни даволаш учун мўлжалланган бўлиб, турли касалликларни, яъни безгак, камқонлик, цинга (милк касаллиги), ўпка сурункали касалликларини даволаган. Масалан, 1895 йили станцияга даволаниш учун 60% безгак билан касалланган беморлар келишган. Станцияда икки нафар шифокор ишлаган ва улар ўз дорихоналарига эга бўлишган.

Бевосита Биринчи жаҳон уруши бошланганидан сўнг Россия империяси фуқаролари Германия ва Австро-Венгрияда даволаш курсини ўтай олмасликлари сабабли ҳукумат Россия империясида “даволаш жойлари” ни ташкил этиш масаласини кўтарди. 1914 йили Фарғона вилояти Ахсикент кўлига икки нафар олимдан ташкил этилган экспедиция ҳавода, сувда, балчиқда радон борлигини аниқлаш учун жўнатилди. Экспедиция қатнашчиларидан бири А.П.Смирновнинг фикрича, Ахсикент кўлида табиий радон эманаторийси борлиги аниқланган. У камдан-кам учраган ҳамда модда алмашинуви ва ревматизмни (бод) даволашда асосий восита ҳисобланган. Уни сунъий равишда ўрнатиш жуда қимматга тушган ва бундай эманаторийларда даволанишга фақат тор доирадаги бойларнинг қурби етган. Экспедиция аъзолари текширув натижасида кўпгина сабабларга кўра бу ерни муҳим курорт зонаси бўлишига асос борлигини аниқлашган, яъни бу ерда кимёвий таркиби бой балчиқ ва тузли сувлар бўлиши билан бирга ичимлик сувининг яқинлиги ҳам даволанувчи кишиларга

кулайлик яратарди [12, 44-46]. 1915 йили Давлат ер мулк департаменти томонидан бошқармага хат юборилиб, унда Россия империясида даволаш жойлари ташкил этиш ишига давлат даражасидаги вазифа сифатида қаралади. Шу сабабли Давлат ер мулк департаменти жойлардаги мавжуд курортлар, қимиз билан даволаш масканлари, иқлимий станциялар ва дала ҳовлилар ҳақида, шунингдек, шундай даволаш масканлари ташкил этилиши мумкин бўлган жойлар ҳақида маълумот жўнатишни сўрайди. Натижада Туркистон шифобахш булоқлари рўйхати қайта кўриб чиқилди. Мисол учун, Сирдарё вилояти барча уездлари бўйича алоҳида маълумот берилган. Чимкентлик ўрмончи маълумотларига кўра, бу ерда шифобахш булоқлар бўлмаган, бироқ қимиз билан даволаш кенг тарқалган бўлиб, безгак ва ўпка касалликлари қимиз билан муваффақиятли даволанган. Чилик-Бобосағанқўл қишлоғи атрофида балчик кўли ва Арансанбулоқ чашмаси, Амударё бўлими Мингбулоқ волостида “Соқоллибува” ва “Эранжи бува” балчик кўли, Ғазоли уездининг Орол денгизига яқин жойида бодни даволашда самарали бўлган балчиқли кўл очилган [13,52]. 1915 йили бу ерда Тошкент темир йўл бошқармаси бўлимида Алоқа йўллари вазирлиги хизматчилари учун балчик билан даволаш маскани очилди.

Оқ Терескен аччиқ- шўр балчик кўли Тошкент темир йўл Янгиқўрғон станциясига яқин жойлашган бўлиб, бод ва тери касалликларини даволаш бўйича маҳаллий аҳоли орасида машҳурлиги билан ажралиб турган. Бу кўлнинг шифобахш хусусиятлари тиббиёт ходимлари томонидан ҳам тасдиқланган. Масалан, Тошкент темир йўли шифокорлари томонидан бу кўл касалликларни даволашда ёрдам бериши ва ҳатто касалликдан тўлиқ фориг бўлиш ҳолатлари ҳақида маълумотлар келтиради. Ушбу кўл 130 гектар майдонга эга бўлиб, бу ер 1916 йилда кўчманчи аҳолидан тортиб олинган ва Ронко деган бир кишига ижарага берилган. Кўлнинг юқори шифобахшлиги, йўллардан узоқ бўлмаганлиги, дарё яқинлиги, ичимлик суви тизими мавжудлиги, яқин қишлоқдан озиқ-овқат билан таъминлаш имконияти, арзон ва керакли миқдордаги қимиз, Тошкент билан алоқа, буларнинг барчаси мутахассислар эътиборини тортган ҳамда бу ерда курорт ташкил этиб, унда ревматизмга чалинган ҳарбийлар ва ишчиларни арзонга даволашни кўзда тутган. Шу билан бирга ҳарбийлар учун бир нечта бепул жой ажратилиши режалаштирилган. Таъкидлаш лозимки, ташкил этилган курортларда ҳарбийлар ва маъмурият ходимлар даволанишган. Масалан, “Туркестанские ведомости” газетасининг ёзишича, қимиз билан даволаш касалхонасидан Бер Чоғур темир йўл ходимлари фойдаланиб, 1914 йилнинг уч ойида бу ерда 189 нафар темир-йўлчи беморлар даволанишган.

1917 йилгача Туркистон ўлкасида Ҳарбий санитария гигиеник станциялари фаолият кўрсатиб, уларнинг асосида 1917 йилдан кейин Чимён ва Жалолобод курортлари ташкил этилди. XX аср бошларида ўлкада курорт типидagi муассасалар ташкил этилди. Жумладан, Каспийорти вилоятида Темир йўлчиларига хизмат кўрсатиш учун Мўлла қора балчик билан даволаш курорти ҳамда Еттисув вилоятида Қизил Хоч жамияти томонидан Иссиқота, Етти Оғуз, Оқ сув каби бальнеологик курортлар ташкил этилди. Аммо бу курортларнинг бинолари, техник асбоб-ускуналари ҳамда техник хизмати талабга жавоб бермаган. Шунингдек, улар маълум бир муассасага хизмат қилганлиги учун кўп ҳолларда аҳолини ундан фойдаланиши имконияти чегараланган.

1917 йилгача Туркистонда Арасан булоқ, Олой, Болғали, Гарм Чашма, Қўтирбулоқ, Заркент манбалари, Қайнарбулоқ, Ўзчаксой, Педов ва Хўжаипак минерал манбалари аниқланган эди. Аммо юқорида номлари тилга олинган манбалардан фақат Педовдаги олтингугурт-водород сувидан фойдаланиш учун XIX асрнинг 80-йилларида И.Бунин томонидан бальнеологик курорт ташкил этилган эди [9, 30].

1917 йилдан кейин ўлкадаги сиёсий курашлар натижасида Жалолобод, Чимён, Мулла қора каби курорт жойлар ҳарбий ҳаракатлар доирасига кириб қолган эди. 1921 ва 1922 йилларда Жалолобод курорти фаолият юритмаган. 1923 йилдан вилоят маблағига 50 ўринли курорт ишини бошлайди [10, 27]. Ўрта Осиёда 1923 йилда Жалолобод ва Чимён курортлари РСФСР Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги томонидан умумдавлат тизимига киритилди. Бу эса ўлка курортларига маълум миқдорда маблағ ажратиш имконини туғдирди [11, 2].

#### 4.Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ҳудудида қадимдан аҳоли минерал ресурсларга бой ҳудудлардан шифо маскани сифатида фойдаланган,табiiй омиллар, шифобахш сув ва лой, қуёш нури, тоза ҳаво ёрдамида даволаниб келган ва бу борада маълум анъаналарга эга бўлган. XIX аср охирларидан бошлаб мазкур шифобахш жойларни илмий асосда тадқиқ этиш ва санаториялар қуриш ишлари бошланди.

Натижада XX аср бошларида ўлкада курорт типдаги муассасалар ташкил этилди. Аммо бу курортларнинг асосий даволанувчилари юқори доирадаги амалдорлар, зодгонлар ҳамда харбий аскарлардан ташкил топган эди. Маҳаллий аҳоли эса бу масканларда даволанишга қурби етмаганлиги сабабли, ўзлари учун янги ўрганилмаган ҳудудлардаги табiiй омилларни излашга мажбур бўлган. Шунингдек, улар маълум бир муассасага хизмат қилганлиги учун кўп ҳолларда аҳолини ундан фойдаланиши имконияти чегараланган.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Sakirich P.P. Note on the Khazret-Ayub mineral springs // Turkestanskіe Vedomosti. - 1882. - No. 30
2. Ўз МА, Р.19-фонд, 1-рўйхат,36346-иш, 4-варақ.
3. Леонов Г. Соленые озера Самаркандской и Сырдарьинской областей / Сборник материалов для статистики Сырдарьинской области. – Ташкент, 1896. – С. 166–167.
4. Туркестанские ведомости. 1888. №20; Маев Н. А. Русский Туркестан. Вып.1. – М., 1872. – С. 35
5. Успенский И. Д. Кара-Тюбинская санитарно-гигиеническая станция / Справочная книжка Самаркандской области. – Самарканд, 1896. – С. 48.
6. Из Ташкентской химической лаборатории // Туркестанские ведомости. – 1874. – №26. – С. 28- 32
7. Тейх Н. Б. Исторический очерк устройство химической лаборатории и 25-летней её деятельности (19 декабря 1869 г – 1 января 1895 г). – Ташкент, 1897. – С. 128–129.
8. National Archive of Scientific, Technical and Medical Documents of Uzbekistan, fund 14, list 1, file 100, page 30, 32
9. National Archive of Scientific, Technical and Medical Documents of Uzbekistan, fund 14, list 1, file 525, page 30
10. Central archive of Uzbekistan fund 3040 , list 1, file 416, page 27
11. Central archive of Uzbekistan fund 737 , list 1, file 393, page 2
12. Central archive of Uzbekistan fund 17 , list 1, file 33935, page 44-46
13. Central archive of Uzbekistan fund 17 , list 1, file 33935, page 52

# ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST  
SPECIAL ISSUE 1

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000